



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

**“Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги томонидан
бажариладиган геодезия ва картография иш турларининг рўйхатини тасдиқлаш
тўғрисида”ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2022 йил 21 декабрдаги ПҚ–447-сон “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2015 йил 14 сентябрдаги 32-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги томонидан бажариладиган геодезия ва картография иш турларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига (рўйхат рақами 2721, 2015 йил 21 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 42-сон, 547-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Иқтисодиёт ва молия вазири

Тошкент ш.
2023 йил 31 май,
19/сон



SH.D.KUDBIEV

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия
вазирининг 2023 йил 31 майдаги 19-сон
буйруғига

ИЛОВА

**“Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан
бажариладиган геодезия ва картография иш турларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги
қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарорда:

номи ва 1-бандидаги “Давлат солиқ қўмитаси” деган сўзлар “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги”
деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Иловада:

номи ҳамда 1 ва 2 бандлардаги “Давлат солиқ қўмитаси” деган сўзлар “Иқтисодиёт ва молия
вазирлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин.